



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2008 йил, 11 апрель, жума

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 69 (11.130)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Тадбиркорлик

ХАРИДОРГИР МАХСУЛОТЛАР

Шунинг баробарида чет мамлакатлардан шериклар топиш, улар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, шу асосда янги технологик линиялар келтириш, махсулотнинг харидор-гир турларини кўпайтириш, экспортни ҳам йўлга қўйишга эришилмоқдаки, бу мамлакатимиз иқтисодий ривожига улш бўлмоқда.

Пойтахтимизда бир неча йилдан буён фаолият кўрсатаётган «Сайбо» масъулияти чекланган жамияти илк фаолияти даврида фақатгина 3-4 хил махсулот тайёрлаган бўлса, бугунги кунга келиб корхона ҳаётида ишлаб чиқарилаётган парфюмерия-косметика товарларининг тури 20тадан ортди. Уларни тайёрлашда тадбиркорлар Россия давлатидан келтирилган дастгоҳ ва ускуналар қувватидан, маҳаллий ҳамда хорижий хом ашёлардан самарали фойдаланишмоқда.

— Йилдан йилга бозорни ўрганиш асосида ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, махсулотларимиз турларини ҳам кўпайтиришга эришяёмиз, — дейди корхона директори-

нинг ўринбосари Хуршид Тошпўлатов. — Ишчиларимиз сафи ҳам 40 нафарга етди. Махсулотларимизни республикамизнинг барча вилоятларидаги харидорларга етказиб бераёмиз. Шунингдек, хозирги пайтда Афғонистон, Қирғизистон давлатларидан ҳам буюртмалар тушмоқдаки, бу экспортни йўлга қўйишимизда муҳим аҳамият касб этади. Яқинда Россиянинг «Клин косметика» деб номланган таниқли фирмасининг шўъба корхонасини очишга муваффақ бўлдик. Натижада махсулотларимиз турлари ва сифати янада ортди.

Корхона тадбиркорлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ички бозорни импорт ўринини босувчи рақобатбардош парфюмерия-косметика махсулотлари билан таъминлаш ҳамда экспорт ҳажмини ошириш мақсадида 2008-2009 йилларда ҳамкор давлатдан 500 минг АҚШ доллари миқдоридagi янги технологик линия келтиришни кўзда тутишмоқда. Натижада 50 нафар ёшларга кўшимча ишчи ўринлари яратилади. Корхонада айни кунларда тайёрланаётган «CARLO BOSS», «JAGUAR», «LA COSTA», «TET-A-TET» сингари одеконлар ва турли хил кремлар сафига хотин-қизлар учун хушбўй атирлар ҳам қўшилади. Бугунги изланишлар ва саъй-ҳаракатлар, шериклар билан ҳамкорлик музокаралари ана шу мақсадни амалга оширишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Шарифа ИЛЁСОВА СУРАТЛАРДА: корхона директори ўринбосари Хуршид Тошпўлатов ва илгор ишчи Умида Камолова махсулотлар билан.

Созим Улмасов олган суратлар



ТИНЧЛИК ВА БАҲҚАРОРЛИКНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING ХАЛҚАРО ИШЛАР ВА ПАРЛАМЕНТАРЛО АЛОҚАЛАР ҚЎМИТАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА «ИСЛОМ ДИНИГА НИСБАТАН МУТЛАҚА АССОСИЗ ХУРУЖ ВА БЎХТОНЛАРГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК ДАРКОР» МАВЗУИДА ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, Тошкент ислом университети профессор-ўқитувчилари, талабалар иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари З.Мунавваров, З.Убайдуллаев, С.Абдуллаев, Тошкент ислом университети проректори А.Абдуллаев ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг НАТО/Евроатлантика ҳамкорлик кенгашининг Бухарест саммитида сўзлаган нутқида бугунги кунда халқаро ҳамжамият олдига турган энг долзарб муаммолар, хусусан, халқаро хавфсизлик, ядро ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик, халқаро терроризмга, наркотикларнинг ноқонуний айланishiга қарши курашда ҳамжамиятликни мустаҳкамлаш, қарийб ўттиз йилдан буён давом этаётган Афғонистон можаросини халқилининг амалий йўллари, миллий ва диний кадрларга муносабат масалаларни кўтарилганини қайд этдилар. Президентимизнинг «Ислам динига қарши мутлақо асоссиз хуруж ва бўхтонларга йўл қўймаслик даркор» деган даъватига алоҳида эътибор қаратилди.

Кескинлик сабаб бўлаётган ислом динига нисбатан мутлақо асоссиз хуруж ва бўхтонларга йўл қўймаслик зарурлиги ҳақида тўхталиб ўтди. Давра суҳбати иштирокчилари умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига ҳам, диний қарашларга ҳам хилоф бўлган бундай хуружлар ислом дини ва унга эътиқод қилувчилардан кўрқиб туйғуларни, яъни исломофобияни озиқлантираётгани, бу эса нафақат мусулмон олами, балки бутун халқаро ҳамжамиятнинг барқарорлиги ва дунёдаги халқлар тотувлигига раҳна солаётганини қайд этдилар. Айрим носоголом қулар томонидан ислом динига қарши тажовузларнинг қучайиши ва бунинг халқаро ҳамжамият барқарорлигига солаётган таҳдиди эътиқоди ва миллатидан қатъи назар дунёдаги барча халқларни серқалантириши лозим.

Зотан, диний ва инсоний бағрикенгликни таъминлаш, том маънодаги инсон ҳуқуқлари, жумладан, диний эътиқод эркинлигини ҳимоя қилиш бугунги кунда халқаро ҳамжамият барқарорлигининг қалолатларидан бирига айланган. Шундай экан, ислом динига қарши асоссиз хуружлар қандай хатарли оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлиги аниқ-равшан.

Тадбирда ислом дини том маънодаги бағрикенглик

дини эканлиги, унинг айнан шу фазилати умумбашарий цивилизациянинг ибратли тарихий қисми бўлган бой ва серқирра ислом маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши учун замин яратгани таъкидланди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг НАТО/Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши саммитидаги нутқида баён этилган ва ҳар томонлама чуқур асослаб берилган фикр ва хулосалар, амалий тақлифлар халқаро микёсда хавфсизликни мустаҳкамлаш, миллий ва диний қадриятларга муносабатдаги муаммоларни хал этишда муҳим аҳамият касб этади. Юртимизнинг нутқида қўйилган ҳар бир масаланинг мазмун-моҳиятини ҳамоматчиликка атрафликла тушунтиришда университет жамоаси, ислом динининг турли соҳалари бўйича таълим олаётган ёш исломшунослар олдига турган вазифалар мухокама этилди.

Давра суҳбатида «Ислам динига қарши тажовузлар - халқаро ҳамжамият барқарорлигига таҳдида», «Ислам динига нисбатан бўхтонларни диний-хуқуқий нуқтаи назардан баҳолаш», «Исломофобиянинг халқаро ҳуқуқ нормаларига хилофлиги», «Ислам - бағрикенглик дини», «Ешлар ва исломофобия» каби мавзуларда мазърузалар тингланди.

(ЎЗА)

ТОШКЕНТ — ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК РАМЗИ



Азим Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги 2009 йилнинг май ойида кенг нишонланади

Турсунхўжа ЭРГАШЕВ, Собир Раҳимов туманидаги «Гузарбоши» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси, «Эл-юрт ҳурмати» ордени нишондори:

— Шанба, якшанба кунлари сизларни ўзим шаҳримизнинг энг гўзал жойларига олиб бораман, деб набираларимга берган ваъдамга мувофиқ савҳатни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғидан бошладик. Шу кун қаерда бўлмайлик наинки набираларим, балки ўзимнинг ҳам шаҳримизнинг гўзаллиги, олиб борилган катта ҳамдаги ободонлаштириш, бунёдкорлик ишларидан хайратим ортди.

— Дарҳақиқат, бугун пойтахтимизга келган меҳмонлар, хориждан ташриф буюраётган сайёҳларнинг қисқа фурсатда бунёд этилган улкан, мухташам бинолар, кенг, раво йўللар, замонавий кўприкларни кўриб ҳайратга тушаётгани айни ҳақиқат. Пойтахтимизнинг халқаро ислом ташкилотини (ISESCO) қарори билан 2007 йилда ислом маданиятининг пойтахти деб эътироф этилиши ҳам мана шу юксак тараққиёт самарасидир.

— Энг қувонарлиси кун кеча Юртимизнинг қадимдан илм-фан, таълим-тарбия, маданият, тинчлик-тотувлик, дўстлик, биродарлик рамизи ҳисоблаб келинган азим пойтахтимизнинг 2200 йиллик тантанасини муносиб нишонлаш ҳақидаги қарорини ўқиб кўнглим фахру гурурга тўлди. Албатта, не-не табарруқ зотлар, буюк алломалар юрти бўлган, қанчадан-қанча олим-фузалолар, адибу шoirларни етказиб берган, бугунги кунда эса жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаб келаётган пойтахт шаҳримизнинг янада гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса бўлиб қўшилидиган ушбу Қарор мазмун-моҳияти элимиз ободлиги, юрт фаровонлигини янада оширишга қаратилганлиги билан эътиборлидир. Айниқса қарордаги пойтахтимиздаги тарихий обидлар, ёдгорлик ва қадимжоларни таъмирлаш, ободонлаштириш, янги замонавий объектлар қуриш, шаҳарнинг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришга доир тадбирларни амалга оширишга қаратилган эътибор кўп сонли аҳолининг айни кунлигида гап бўлиб, барчамизни беҳад қувонтирди.

Бизнинг «Гузарбоши» маҳалламиз шаҳримизнинг Эски шаҳар қисмида жойлашган. Утган давр ичида қанчадан қанча синовлар, талатўли йиллар, оғир шароитларнинг гувоҳи бўлган. Оллоҳга бевадод шукр, Мустақиллик йилларида чанг қўчалару лойсувоқли, пасткам уйлар ўрнига кенг, раво йўللар, барча қулайликларга эга бўлган гўзал қошоналар қад ростлади.

Ишонимизки Юртимизнинг «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори ижроси «Шарқ дарвозаси», дўстлик, биродарлик шаҳри деб ном олган пойтахти азиямда яшаётган ҳар бир ҳамшаҳримизнинг кўнглида акс-садо бериб ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлариди фаол бўлишга чақиради. Уз юртимизнинг

янада гуллаб-яшнаши, энг гўзал, обод масканлар қаторидан муносиб тарзда жой олишига шаҳримиздаги 474 маҳаллаларнинг ҳам муносиб ҳиссаси қўшилади, албатта.

Жаннат ИСМОИЛОВА, Ўзбекистон тарихи Давлат музейи директори, тарих фанлари доктори:

— Кун кеча Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори ҳамма қатори олимларимизни ҳам беҳад қувонтирди. Асрлар давомида жаҳон цивилизациясига катта ҳисса қўшган Тошкент — қадимий тамаддун ўчоқларидан бири сифатида ҳудудда юзлаб археология, маданият ва санъат ёдгорликларини авайлаб сақлаб келмоқда.

Икки минг йилликдан ортик тарихга эга Тошкент шаҳри ҳаёти давомида кўплаб урушларни, фаровонлик ва таназзул даврларни бошидан кечирди, бир неча маротаба вайрон бўлди ва яна қайта тикланди. Турли даврларда Чоч, Шов, Бинкент... каби номлар билан аталган Тошкентнинг кўплаб қаров йўллари Буюк Ипак йўлининг муҳим чорраҳасидан ўтган.

Бугунги кунда Тошкент шаҳри мустақил ва суверен Ўзбекистон Республикасининг пойтахтидир. У тинчлик ва бунёдкорлик шаҳри, стратегик аҳамиятга эга сиёсий марказ, муҳим иқтисодий мегаполис саналади. Уни бежиз «Шарқ дарвозаси» деб аташмаган. Марказий Осиё минтақасида йирки саноат-транспорт чорраҳаси бўлган пойтахтимиз етакчи маданий марказлардан ҳисобланади. Тошкент шаҳрининг бугунги қиёфаси таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб бормоқда. Шаҳардаги қадимий ёдгорликлар қайта тикланиб, шарқона ва миллий услублар ҳамда илгор меъморий андозаларни уйғунлаштирган ҳолда кўплаб замонавий иншоотлар барпо этилди. Шунингдек, Тошкент азалдан ўзига хос маҳобатли мадраса ва масжидлари, минглаб буюк аллома ва уламоларнинг ноёб кўлэзма асарларига бой кутубхоналари ва илмий-тадқиқот масканлари ҳамда марказлари, ислом уйғониш даврининг буюк усталари, меъмор ва хаттоларни ижодиға мансуб асарларни кўз қорачиғидай авайлаб-асраётган музейлари, илм-маданият ва тарбия ўчоқлари билан бутун дунёдан келаётган меҳмонларни хайратга солмоқда.

Ўзбекистоннинг тарихида, ислом маданиятининг юксалиши ва фан тараққиёти, ислом дини мероси ва ёдгорликларини асраш ва янада бойитиш борасидаги буюк хизматлари учун пойтахтимиз ўтган йилги ислом маданиятининг пойтахти деган фахрли унвонга сазовор бўлди. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлаш ҳақидаги Қарор асосида шаҳримизнинг тарихий обидларини тиклаш ва ободонлаштириш, замонавий бинолар қуриш, ташкил этилиши режалаштирилган халқаро илмий конференция эса Тошкент шаҳрини бутун жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган ҳиссасини намёнён этишда катта аҳамиятга эга бўлади.

Киска сатрларда

• **ЭРТАГА** Тошкент Ахборот технологиялари касбхуна қоллежида «Ўзбекистон — умумий уйимиз» шiori остида уюштирилган «Дўстлик» фестивалида коллеж ўқувчилари, ўқитувчилари ҳамда турли миллатлар вакиллари иштирок этишди.

• **ЭРТАГА** Ҳамза туманида Тошкент шаҳри ва Ҳамза тумани маданият ва спорт ишлари бошқармалари ҳам-

корлигида ёш истеъодлар ўртасида ташкиллаштирилган «Ниҳол — 2008» кўриктанловининг туман босқичига тайёргарликни маромига етказиш мақсадида семинар уюштирилди.

• **ЎЗБЕКИСТОН** Ташкилот иқтисодий фаолият Миллий банкда соҳа мутахассислари иштирокида ўтказилган тадбирда Осиё Тараққиёт банки билан ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

• **БОЛАЛАР** мусика ва

санъат мактаблари ўқувчилари ўртасида уюштирилган Муҳиддин Қоринқубов номидаги республика ёш мусикачилари кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи гоилилари тақдирланди.

• **ШАҲРИМИЗДА** Сохибқирон Амир Темур тавалудининг 672 йиллигига бағишлаб «Темур тузуқларида ёшлар тарбияси» мавзусида ўтказилган тадбир Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Марказий кенгаши томонидан уюштирилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан)

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

• Тошкент шаҳар Мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида синовлардан муваффақиятли ўтган йигитларни мuddатли ҳарбий хизматга кузатишга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда ҳарбийлар, қақирлувчиларнинг оила аъзолари ва жамоатчилик вакиллари қатнашди.

• Юристар малакасини ошириш марказида ҳарбий прокуратура органларида хизмат ўтаётган ёш мутахассисларнинг амалий-ўқув семинари бошланди.

• Юртимизда фаолият олиб бораётган PAYNET компанияси «Ўзтрансгаз» акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда аҳолидан табиий газ учун пул тўловларини қабул қилиш хизматини йўлга қўйди.

• Тошкент вилояти, Тошкент туманидаги ижтимоий-иқтисодий коллежида бўлиб ўтган илмий-амалий анжуманда «Ешлар йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш доирасида экологик таълимнинг асосий йўналишлари муҳокама этилди.

• Навоийда вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

• Фарғона вилоятидаги қатор ташкилот ва муассасалар шу йил 19 апрелда «Маънавият шанбалиғини» ўтказиш ташаббуси билан чиқдилар. Бунда асосий эътибор шаҳар ва туманларда кўргазмалар тарғибот воситаларини талаб даражасида жиҳозлаш, қўча, маҳалла, қишлоқ, хиббон, тарихий обида, зиёратгоҳларнинг номланишини тартибга келтириш масалаларига қаратилмоқда.

• Жорий йилнинг 19-25 апрель кунлари юртимиз бўйлаб велоспортчилар ўртасида «Камолот-Тур» биринчи Миллий ёшлар веломарафони ўтказилади. Мазкур веломарафон «Камолот» ЕИХ Марказий Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилмоқда, унинг қатнашчилари учта йўналиш бўйлаб пойтахт томон йўлга чиқашди.

• Тошкентдаги «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг бир гуруҳ фаоллари икки кун давомида Жиззах вилояти бўйлаб қатор маданий тадбирлар ўтказишди. «Биз — бир жамоамиз!» деб номланган мазкур акция «Меҳр нури» жамғармасининг хайрига тадбири билан якунланди.

• Хоразм вилоятидаги уч юздан ортик талабаларга «Камолот» ЕИХ Марказий кенгаши жорий йилдаги таълим учун шартнома суммасининг 35 фоизини тўлади. Ушбу имтиёзлар асосан мuddатли ҳарбий хизматни ўтаган ва кўмондонликдан ижобий тавсияномалар олган йигитларга берилди.

• Навоий шаҳридаги «Ширин» маданият саройида «Ешлар театри» иш бошлади.

ЖАҲОНДА

• Жанубий Корея Марказий сайлов комиссияси мамлакатда бўлиб ўтган парламент сайловларининг натижаларини эълон қилди. Сайловларда «Буюк мамлакат» партияси муваффақият қозониб 299 ўринли Миллий кенгашда 153 ўринни қўлга киритишга муваффақ бўлди.

• Кеча Словакия парламенти Европа Иттифоқи конституцияси ўрнига таъбиқ этилган Лиссабон конституцияси ратификация қилди.

• Россия ва АҚШ расмийлари Вашингтонда Бутунжаҳон савдо ташкилотига Россиянинг аъзо бўлиши юзасидан музокара-лар ўтказишди.

• Перуда энгил моторли самолёт ҳалокатга учради. Маълумотларга кўра самолётдаги беш нафар франциялик сайёҳ ҳаётдан қўз юмган, ҳаво кема-си учувчиси эса оғир аҳволда касалхонага ётқизилган. Дастлабки таҳминларга кўра ҳалокат самолётдаги техник носозлик туйғали келиб чиққан.

• Кеча Франция пойтахти Париж шаҳрида ўн бир минг нафар ўқитувчиларнинг иш жойлари қисқартирилиши муносабати билан ўн мингдан ортик талабалар ва ўқувчилар иштирокида норозилик намойиши бўлиб ўтди.

• Кеча АҚШнинг Оклахома, Техас ва Арканзас штатларида рўй берган торнадо оқибатида икки юз мингдан ортик уйлар электр қувватсиз қолди, бир неча ўнлаб уйлар эса буткул вайрон бўлди, қучли бўрон кўплаб дарахтларни илдириши билан қўпориб ташлади.

• Кеча Нью-Йорк товар биржасида нефтнинг нархи бир оз пасайиб, бир баррел «қора олтин»нинг қиймати 110.11 доллар ҳажмида белгиланди.

• Тинч океанининг жанубий қисмидаги Луайоти оролида қучли zilзила рўй берди. Табиий офат Рихтер шкаласи бўйича 7,5 баллга тенг бўлган. Зилзила қурбонларни келтириб чиқармаган бўлсада, табиатга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

• Шу йилнинг 8 августида Хитой пойтахти Пекинда очилган Олимпиада ўйинлари мадҳиясини канадалик Селин Дион, россиялик Витас ва хитойлик Жеки Чан ижро этадиган бўлди.

• Уэльс маликаси Диана ва унинг мисрлик миллиардер севгилиси Доди ал-Файёднинг фожиали ўлими юзасидан олиб борилган суд якунига етди. Ўн йил мобайнида давом этган маслаҳатчилар иштирокидаги суд ўз ҳукмини чиқарди. Суд қарорига кўра малика Диана ва Доднинг ҳалок бўлиши бахтсиз воқеа деб ҳисобланди.

• Кристис кимошди савдо уйида италиялик машҳур чолга асбоблари устаси Антонио Страдивари ясаган скрипкалардан бири 2 миллион АҚШ долларига сотилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА «ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗО ТЎҒРИСИДА»ГИ, «ЭЛЕКТРОН ХУЖАТ АЙЛНИШИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ВА «ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНЛАРНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР БЎЛИБ ҲАМ ОЎТДИ.

Парламент куйи палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг вакиллари, олимлар, мутахассислар, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашдилар.

Мазкур қўмита раиси А.Мўминов бошқарган анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Х.Дўстмухамедов, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг ўринбосари А.Хўжаев ва бошқалар Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳномалигида мамлакатимизда тараққиётнинг муҳим омил бўлган ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, соҳадаги ютуқларни ҳаётга ижро этиш бўлиб борадида улкан ишлар амалга ошириладигани таъкидландилар.

Қонунларнинг амал қилиш механизмларини янада такомиллаштириш зарурлиги қайд этилди. Айтилган электрон рақамли имзони оммавийлаштириш, уни, жумладан, таълим муассасалари, бюджет ва жамоат ташкилотларига электрон рақамли имзо ва дастур маҳсулотларидан имтиёзли фойдаланиш шартлари асосида тақдим этиш муҳим аҳамиятга эга.

Бу борада юртимизда юридик шахслардан молиявий ва солиқ ҳисоботларини қабул қилиш тизимини ташкил этиш, аҳоли ва ҳўжалик субъектлари ўртасида кенг тушунириш ишларининг олиб борилишига эришиш мақсадга мувофиқдир. Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тижорат тўғрисида»ги қонунининг амал қилиш самарадорлигини янада ошириш мақсадида тегишли меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан бир қатор фикр ва мулоҳазалар билдирилди.

Т.БОТИРБЕКОВ, УЗА МУХБИРИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ, СОҒЛОМ ВА БАҲАМКОМ АВДЛОДНИ КАМОЛГА ЕТКАЗИШ, ОИЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ДАВЛАТИМИЗ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАНДИР.

Анжуманлар

СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА КАМОЛИ ЙЎЛИДА

Ушбу йўналишда ишлаб чиқилган Давлат дастурлари ва Вазирлар Маҳкамасининг оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ҳамда никоҳланувчи шахсларни тиббий куридан ўтказиш тўғрисидаги қарорларида белгиланган вазифалар босқичма-босқич ҳаётга таъбиқ этилмоқда.

Яқинда Республика Бизнес марказида «Соғлом она—соғлом фарзанд» мавзuida бўлиб ўтган давра сўбатида ҳам айнан оқорида таъкидланган масалалар хусусида сўз борди. Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ҳамда «Нестле» компанияси ҳамкорликларида ташкил этилган мазкур анжуманда туман хотин-қизлар қўмиталари раислари, шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, «Соғлом авлод» учун халқаро хайрия жамғармаси, шаҳар Урта махсус касб-хўнар таълими бошқармаси, шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, «Камолот» ЁИХ вакиллари иштирок этдилар. Анжуманда Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова сўзга чиқиб, мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга муҳим эътибор қаратиладиганини таъкидлар экан, жумладан «Ёшлар йили» Давлат дастуридан ҳам бу масалалар алоҳида ўрин олганлигини, ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, ОИТС, гивандлик, кашандалик ва бошқа зарарли одатларга қарши кураш бўйича профилактика чора-тадбирларини амалга ошириш, ёшларнинг бўш вақтини мазмуни ташкил этиш, ёшлар спортини оммавий ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, маънавий бой ва жисмонан соғлом болаларни тарбиялаш чора-тадбирларини амалга ошириш энг асосий вазифалардан этиб белгиланганлигини қайд этиб ўтди. Шунингдек, оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оилада тиббий маданиятни ошириш, никоҳдан олдин ёшларни тиббий куридан ўтказиш масаласига муҳим эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Шунингдек, анжуманда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижтимоий иқтисодий маъмуаси бош мутахассиси Танзила Норбоева «Соғлом авлодни воғга етказишда давлат ва ноддавлат ташкилотларнинг ҳамкорлиқдаги фаолияти», Тошкент педиагрия институти проректори Дилором Аҳмедова «Боланинг соғлом ва баҳамком ўсишида оиланинг роли ва аҳамияти» мавзуларида сўзга чиқдилар. Шаҳримизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича амалга ошириладиган ишлар юзасидан сўз олган Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Дилором Маҳмадалиева жумладан шундай деди: — Бугунги кунда шаҳримизда оналар ва болалар саломатлигини сақлаш борасида амалга ошириладиган ишлар, аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг барча қатламларини, хусусан фертил ёшидаги аёлларни тиббий куридан ўтказиш, янги ҳаёт оstonасига қадам ташлаётган ёшларни никоҳдан олдин тиббий куридан ўтказиш натижасида турли хасталикларни ўз вақтида аниқлаш ва даволлаш оила пойдеворини мустаҳкамлаш ва соғлом фарзанд дунёга келишини таъминлашга хизмат қилмоқда. Оилада соғлом фарзанднинг дунёга келишини таъминлашда шаҳримизда фаолият юритаётган скрининг хизмати ўз самарасини бермоқда. Бизнеснинг асосий мақсадимиз оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш, аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш ишларига муҳим эътибор қаратишдан иборатдир. Анжуман якунида иштирокчилар томонидан қизгин фикр-мулоҳазалар, тақлифлар билдирилди, келгусида амалга ошириладиган ишлар белгилаб олинди.

Дилором ИКРОМОВА

Мақола куйидаги сўзлар билан бошланади: «XIII асда яшаб ўтган италиялик машҳур сайёҳ Марко Поло томонидан ҳақондаги энг гўзал шаҳарлар дея таърифланган Самарқанд, Бухоро ва Хива ҳозирги кунда ҳам дунёнинг турли бурчакларидан бу ерга ташриф буюраётган меҳмонларни ўзига мафтун этиб келмоқда».

«Самарқанд Буюк Ипак йўлида, яъни Осиё ва Европани боғловчи савдо йўллари чорраҳасидаги қулай жойлашуви туфайли асрлар мобайнида гуллаб-яшнади, — деб ёзади

жоме масжиди ва бошқа ўнлаб меъморий обидалар ҳамда нафис ипак матолар ва шарқнинг ширин ноз-неъматларига бой бозорлари билан бугунги кунда ҳам хорижий сайёҳларни ўзига мафтун этиб келмоқда».

Бухоро шаҳри тўғрисида ҳўжа қилар экан «GHI» газетаси куйидагиларни қайд этади: «Меҳмондўст Бухоро аҳли сизга қадимий ёдгорликлар ва шаҳарнинг гавжум тарихий марказини бажонидил кўрсатишдади. Кўхна услубдаги шаҳар маркази мустаҳкам қалъа билан ўралган бўлиб, унинг атрофида қадимий

МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ АФСОНАВИЙ ПОЙТАХТЛАРИ

ШВЕЙЦАРИЯДА ЧОП ЭТИЛУВЧИ «GHI» («GENEVE HOME INFORMATIONS») КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИДА «МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ АФСОНАВИЙ ПОЙТАХТЛАРИ» РУКНИ ОСТИДА «ЎЗБЕКИСТОН ДУРДОНАЛАРИ» САРЛАВҲАЛИ МАҚОЛА ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ.

«GHI» газетаси. — Қадим замонлардан буюн турли зираворлар, хўшбўй атир-упалар, қимматбахо тошлар, ипак матолар, ҳарбаҳо ва мовутолари ортиб, бу икки қитъанинг бирида жойлашган ўз манзили томон йўлга чиққан карвонлар Самарқандда тўхтаб ўтган.

Бундан 2750 йил муқаддам асос солинган орузлар ва эрталар шаҳри — Самарқанд Марказий Осиёнинг энг кўхна кентларидан биридир. Бу ерда яшаб, ижод қилган шоир, олим, тарихчи ва сайёҳлар мазкур маданият марказини доимо «Шарқ дурдонаси» дея атаб келишган. Шаҳарнинг аҳолиси шаклидаги миноралари, муҳташам саройлари ва мўъжизавий гўмбазлари «Минг бир кеча» эртак китоби учун ишланган беэақлар кўринишида дунёга ном таратди.

Самарқанд хашаматли Регистон майдони, улугвор Гўри Амир мақбараси, Биби Хоним

ий мадрасалар қад ростлаган. Бухородаги кўллаб нодир ёдгорликлар қаторида машҳур меъморий ансамбллардан алоҳида жойлашган Чор-Минор мадрасаси ўзига хослиги билан ажралиб туради. Улар орасида яна бир эътиборга молик кўхна обида — Лаби-ҳовуз ансамблидир.

Бир замонлар Осиёдаги энг баланд иншоотлардан бири — 12 асда бунёд этилган ва баландлиги 47 метрга тенг бўлган Минораи Калон Марказий Осиёдаги бетакрор меъморий ёдгорликлар сирасига киради.

Мақола якунида муаллифлар Хива шаҳрини ҳам таърифлар экан, унинг гўзал миноралари ва тарихий обидалари билан дунё сайёҳлари эътиборини ўзига жалб этаётган «осмон остидаги очик музей» дея таъриф беришдади.

«Жаҳон» АА, Женева

ЁШЛАР ТАФАККУРИГА БАҒИШЛАНДИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИДА «ЁШЛАР ТАФАККУРИ: НАЗАРИЯ, АМАЛИЁТ ВА ТАЖРИБА» МАВЗУИДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН БЎЛИБ ҲАМ ОЎТДИ.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши томонидан ташкил этилган ушбу тадбирга пойтахтдаги олий ўқув юртлири талабалари, ҳаракат фаоллари иштирок этди.

Ҳукуматимиз томонидан ёшларга кўрсатилаётган гавжўрлик, берилаётган эътибор таҳсинга сазовордир. Давлатимиз ёш бўлишига қарамай, ўтган йиллар мобайнида ёшлар сиёсатида оид катта тажриба тўплади, десак муболага бўлмайди. Тадбирда ушбу тажрибага таянган ҳолда мамлакатимизда амалга ошириладиган ишлар билан хориж тажрибасини таққослаш вақти келганлиги таъкидланди. Шунингдек, анжуман иштирокчилари Япония, Россия,

Қозоғистонда ёшлар сиёсати, ёшлар ташкилотларининг фаолияти билан яқиндан таништирилди.

Бундан ташқари, анжуманда ёшларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш, ёшлар ижтимоий хизматлари фаолиятини ташкил этиш масалалари юзасидан маҳаллий ва хорижий илгор тажрибалар бўйича фикр-мулоҳазалар алмашилди. Ёшларнинг таълим, фан ва техника соҳасидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаш масалаларида ёшлар ташкилотлари ҳамда давлат органларининг ҳамкорликлари бўйича атрофида фикрлар билдирилди. Шунингдек, анжуманда талабалар томонидан глобаллашув жараёнида бутун дунёда ёшлар муаммолари, Ўзбекистонда минг йиллик ривожланиш дастурининг ҳаётга таъбиқ этилиши мавзуларида маърузалар тингланди.

Сурайё МЕЛИҚУЛОВА, «Туркистон-пресс»

2008 — Ёшлар йили ХАЙРЛИ АНЪАНА ДАВОМ ЭТАДИ

Бу йўналишда Тиббиёт академиясида сўнгги 2-3 йил давомида турли спорт байрамлари, эстафетали югуриш ва бошқа спорт мусобақаларини оммавий тарзда ўтказиш хайрли анъанага айланган.

Жумладан, кунга кеча Тошкент Тиббиёт академиясининг 3-клиникаси ҳудудида «Ёшлар йили»га бағишлаб ташкил этилган эстафетали югуриш мусобақалари ҳам кенг қамровда ўтди. Унда 1, 2, 3-клиникалар ёш ходимлари, Тошкент Тиббиёт академиясининг давлолаш, тиббий-профилактика, тиббий-педагогика, магистратура факультетлари ва стоматология, ОМХ академия қoшидаги Тиббиёт академик лицейи ўқувчилари иштирок этишди ва ўз шахсий намуналари билан Республикада ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини

эстафетали югуриш мусобақалари бошланиб кетди.

Иштирокчиларга кўллаб ҳаяжонли дақиқаларни ҳада этган талаба-ёшларнинг қизгин кўллаб-қувватлашлари остида ўтказилган эстафетали югуриш турнирининг голиблари аниқланди. Мусобақада чаққон ва тезкор ҳаракат қилган 3-клиника жамоасидан Лола Ажамова ғалаба қозонди ва махсус кубок, диплом ҳамда қимматбахо совға билан тақдирланди.

Кейинги совинрили ўринлар тиббий-педагогика ва стоматология факультетлари жамоасига насиб этди. Совиндорлар ҳам муносиб тақдирланди.

Ғолиб жамоа аъзолари Тошкент Тиббиёт академияси спорт мажмуасида 29 апрелда ўтказилган катта спорт мусобақасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

(Ўз мухбиримиз) СУРАТЛАРДА: эстафетали югуриш мусобақасидан лавҳалар. Алексей Попов олган сурачлар

Кунга кеча Юнусобод туманидаги «Бободехқон» маҳалласи ҳудудида жойлашган «Файз» гузарида ўтказилган тадбир ана шу жиҳати билан эътиборлидир. Республика «Умр» имконияти чекланган болалар ва ўсмирларга ёрдам бериш маркази ҳамда Юнусобод туман ўқувчи-ёшлар техник ижодиёт маркази ҳамкорлигида ўтказилган кечага Мазнавият-тарғибот маркази туман бўлими, «Биллур сув», «Зебунисо она» масъулияти чекланган жамиятлари, Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус факультети ҳомийлик қилишди.

Унда туман техник ижодиёт марказида касб-хўнар сирларини эгаллаётган жисмоний имконияти чекланган ўқувчилар, маҳалла ҳудудида истикомат қилувчи ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандлари, мутасадди ва

Тадбирлар БОЛАЖОНЛАР КўНГЛИ ШОДЛИККА ТўПДИ

ХАЛҚИМИЗ АЗАЛ-АЗАЛДАН САҲОВАТ ВА БАҲРИКЕНГЛИКНИ ЭЗГУЛИКНИНГ ТАМАЛ ТОШИ ДЕБ БИЛГАН. ШУ МАЪНОДА ИСТИҚЛОЛНИНГ ДАСТАБКИ ЙИЛЛАРИДАНОҚ АҲОЛИНИНГ НОГИРОН, БОЛАЛИКДАН ТУҒМА ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ҚАТЛАМИ ВАКИЛЛАРИНИ МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИБ КЕЛИНМОҚДА.

ҳомий ташкилот вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Тадбирни Юнусобод туман ўқувчи-ёшлар техник ижодиёт маркази директори Саодат-хон Худойқулиева кириш сўзи билан очар экан, жумладан, шундай деди:

— Жорий йилнинг Ёшлар йили сифатида эътироф этилиши ёшларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида ўзига хос имкониятлар эшигини очиб берди. Шу маънода бугун сизларни бир пайёла чой атрофида йиғиш, ўқиш ва изланиш борасида алоҳида фаоллик кўрсатган ўқувчиларимизни тақдирлаш сингари тадбирларнинг кенг қулоч ёйиб бораётгани ана шу эзгу ишларнинг узвий қисмини ташкил этади.

Ўзбекиона дастурхондаги баҳорий таомлардан баҳраманд бўлиш, қалби эзгуликка чулганган ҳомийларнинг қўлидан совғаларни қабул қилиб олиш кўнгли кемтик, аммо кўхнада юрт истиқболни, Ватан равнақиғига хисса қўшишдек олижаноб истаклар билан яшаётган болажонларга олам-олам қувонч улашди. Айниқса, Республика Офицерлар уйи қoшида ташкил этилган ансамбль томонидан ижро этилган дилрабо куй-қўшиқлар даврага ўзгача шухўх олиб келди.

Хидирали ПАНЖИЕВ

ХОРИЖДА НАВРЎЗ БАЙРАМИ КЕНГ НИШОНЛАНДИ

ШУ КУНЛАРДА ДУНЁНИНГ ТУРЛИ МАМЛАКАТЛАРИДА БАҲОҒ АЙЁМИ — НАВРЎЗИ ОЛАМГА БАҒИШЛАНГАН БАЙРАМ ТАДБИРЛАРИ БЎЛИБ ҲАМ ОЎТДИ. УЛАР ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХОРИЖДАГИ ДИПЛОМАТИЯ ВАКОЛАТХОНАЛАРИ КўМАГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Мамлакатимизнинг Лондондаги элчихонасида ўтказилган тадбирда Буюк Британиянинг расмий, ишбилармон, жамоатчилик ва тахлил доиралари ҳамда дипломатия корпуси вакиллари қатнашди. Тадбир иштирокчилари эътиборига Алишер Навоий номидаги Миллий ғолибга ўтказилган Наврўз тантаналарида Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг сўзлаган нуқти, шунингдек байрам концертининг видеоёзуви намойиш этилди.

Унда ўзбекистонлик ёш мусиқачилар — Ўзбекистон миллий консерваторияси битирувчиси Сардор Мирза-хўжаев ва Глиер номидаги Тошкент мусиқа лицейи тарбияланувчиси Даврон Зарипов машҳур ўзбек куйларини, Тошкент хореография билим юрти битирувчиси Севара Ёқубова эса ўзбек миллий рақсларини маҳорат билан ижро этди. Шунингдек, меҳмонлар эътиборига хорижий дипломатлар ва тадбиркорлар фотолавларидан иборат «Ўзбекистон — Марказий Осиёнинг юраги. Тараққиёт йодаси» номили кўргазма тақдим этилди.

Тадбир иштирокчиларининг қайд этишича, Ўзбекистон Республикасида Наврўз байрамининг давлат миқёсида тантана қилиниши юртимизда халқнинг бой маданияти ва анъаналарини асраб-авайлашга алоҳида эътибор кўрсатилаётганидан далолатдир.

Британиянинг «Про Арт» ташкилоти директори Весла Петкович Наврўз байрами муносабати билан Тошкент шаҳри марказида ўтказилган байрам тантаналарининг кенг қамровли ва юксак даражада ташкил этилгани хусусида сўзлади. Ўзбекистон турфа цивилизациялар ўзаро кешишган чорраҳада жойлашган диёрдир. Весла Петковичнинг фикрига кўра, сўнгги йилларда Марказий Осиёга нисбатан қизқиш жадал ўсиб бораётган Европада ушбу минтақанинг санъати ва маданияти чўқур ўрганилиши керак.

Наврўзи оламга бағишланган байрам тантаналари Туркияда ҳам бўлиб ўтди. Улардан бири мамлакатнинг жануби-шарқидидаги Адана шаҳрида ташкил этилди. Тадбирда Адана шаҳри маъмурияти ҳамда Марказий Осиёдан келган туркий тилларда сўзлашувчи аҳоли вакиллари иштирок этди.

Миллий маданий марказлар раҳбарлари йиғилганларни баҳор ва нафосат айёми Наврўз билан самимий кутладилар. Туркиядаги этник ўзбеклар вакили, профессор Урхон Кавунжу туркий халқлар томонидан Наврўз байрамини нишонлашни тарихига оид маъруза қилди.

Шундан сўнг ўзбекистонлик санъаткорлар — республикада хизмат кўрсатган артист, қўшиқчи Тожибар Азизова ва раққоса Нигора Назарова иштирокидаги концерт дастури намойиш этилди.

— Наврўз ва ёшлик — гўзаллик, мусофалик ва эзгулик тимсолидир. Президент Ислоҳ Каримов томонидан Ўзбекистонда жорий йилни «Ёшлар йили» деб эълон қилингани ёш авлодда фахр-ифтихор ҳамда ўз кучига ишонч ҳиссини мустаҳкамлаш, уларни янги марралар сари илҳомлантириш, — деди Фози давлат университетининг халқаро муносабатлар факультети ўқитувчилар кенгаши аъзоси, доктор Меҳмет Сейфетдин Эрол.

Наврўз байрамининг нишонлиниши билан боғлиқ бўлган тадбирлар турк оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Шу кун Тошкентдаги байрам тантаналари тўғрисида тўғри узатилиди, шунингдек ТРТ, ТРТ-1 йўлдошли каналларида Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари ҳамда Озарбойжондан ташриф буюрган санъат усталари иштирокидаги байрам марафонини ташкил этилди.

Бу каби тадбирлар Ўзбекистоннинг Франциядаги элчихонасида ҳам бўлиб ўтди. Унда Франциянинг сиёсий, давлат, ишбилармон ва жамоатчилик доиралари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари, шунингдек Париждаги хорижий дипломатия ваколатхоналари ходимлари иштирок этди.

Унда Самарқанднинг «Шошмақом» фольклор ансамбли ижрочиларининг анъанавий ҳамда мумтоз мусиқа ва рақслардан иборат концерт дастури намойиш этилди.

Тадбирдан сўнг Франция Бадиий академияси президенти Арио д'Отрив қуйидагиларни таъкидлади: «Баҳор байрами — Наврўз ўзбек халқининг кўхна тарихи, бой маданияти ва анъаналарини ўзида муҳасам этади. Байрам иштирокчилари Ўзбекистоннинг бой маънавий дунёсига саёҳат қилиш, санъат усталарининг миллий куй-қўшиқлари ва рақслари ижросидан баҳра олиш имкониятига эга бўлдилар».

Самарқанддаги Ўзбекистон ва Франция қўшма археология экспедицияси раҳбари, профессор Франц Грене жумладан шундай деди: «Ўзбекистонда қарийб йигирма йил давомида тадқиқот олиб борган олим сифатида мен шунга алоҳида қайд этмоқчиманки, ўзбек халқининг маданияти ва анъаналари сарчасамаси эътиборли тарихига эга. Энг асосийи, бу халқ ўз меросини кўз қорачиғида асраб-авайлаётгани, шунингдек Ўзбекистон ҳукуматининг қадимий ёдгорликларини сақлаш, маънавий ва номоддий меросни қайта тиклаш борасидаги саёй-ҳаракатлари туфайли улар ривож топмоқда».

Яқин кунларда қўшма экспедициямиз юбилейини нишонлаш учун Францияда тақдимот маросимини ташкил этиш режалаштирилмоқда. Унда кўп йиллик меҳнатимиз натижалари кенг оммага тақдим этилади. Умид қиламанки, археологик қазилмалар чоғида кашф этилган топилмалар Франция жамоатчилиғи онгу шуурида Ўзбекистон Шарқ ва Фарб маданияти, илм-фани, меъморчилиғи ва санъати тараққиётига улкан таъсир кўрсатган жаҳон цивилизациясининг бешикларидан бири бўлганини яна бир бор намойиш этади».

Наврўз байрами ҳамда Ўзбекистонда «Ёшлар йили» деб эълон қилинишига бағишланган тадбирлар Россия Ташки ишлар вазирлигининг Москва давлат халқаро муносабатлар институтини ҳамда ўтказилди. Унда Москва давлат халқаро муносабатлар институти, Москва давлат университети, Россия халқлар дўстлиғи университети ва бошқа олий ўқув юртлирида таҳсил олаётган ўзбекистонлик шунингдек, бошқа мамлакатлардан келган талабалар иштирок этди.

«Ўзбекистон» Давлат рақс ансамбли ижрочилари — доира устаси Давронбек Акбарбеков, эстрада қўшиқчилари Шахнозабону, Нилуфар Усмонова, Дилмурод Мусаевлар муҳлисига ўзбек куй-қўшиқларини тақдим этди. Талаба ва ўқитувчилар Москва давлат халқаро муносабатлар институтида Наврўзнинг нишонлиниши тадбирининг барча иштирокчиларида унутилмас таассурот қолдирганини таъкидладилар.

«Жаҳон» АА

